



Journal of Natural Science

№4
(2021)

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош мухаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Кодиров Т- к.ф.д, профессор4. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор5. Султонов М-к.ф.д, доц6. Яхшиева З- к.ф.д, проф.в.б.7. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.8. Хакимов К –г.ф.н., доц.9. Азимова Д- б.ф.н.10. Мавлонов Х- б.ф.д., доц11. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.12. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)13. Мухаммедов О- г.ф.н., доц14. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)15. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц16. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

ЧЎЛ ДАҒАЛ ПОЯЛИ ЎСИМЛИКЛАРИ

Ортиқова Лола Соатовна

Жиззах давлат педагогика институти
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD)

Абророва Кумуш-магистр

Аннотация: Ушбу мақолада чўл худудлари яйловларида, топилган асосий ем хашак турларининг биоэкологик, иқтисодий хусусиятлари, хосилдорлигини ошириш ва улардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар билан таништириш.

Калит сўзлар: ўсимлик, яйлов, флора, арид, буталар, ботаник оиласи.

Резюме: В статье представлены биоэкологические, экономические характеристики основных кормовых видов, встречающихся на пастбищах пустынных территорий, вопросы повышения продуктивности и их эффективного использования.

Ключевые слова: растение, пастбище, флора, засушливые, кустарники, ботаническое семейство.

Resume: the article presents the bioecological and economic characteristics of the main forage species found in the pastures of desert territories, issues of increasing productivity and their effective use.

Keywords: plant, pasture, flora, arid, shrubs, botanical family.

Қорақўлчилик яйловларида тарқалган мазкур озикавий гуруҳга кирувчи ўсимлик вакиларининг муҳим биологик, экологик хоссалари ва қорақўлчиликда фойдаланиш хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Қорақўлчилик яйловларининг ўзига хос яна бир қирраси шундан иборатки, улардан бевосита ўтлоқ сифатидагина эмас, балки, зарур бўлганда, дагал пичан тайёрлаш манбаи сифатида ҳам фойдаланиб келинади. Шундай мақсадларда, биринчи навбатда, махсус адабиётларда дагал пояли ўтлар номи билан машхур ўсимлик турлари фойдаланилади.

Бу гуруҳга киритилганлар кўп йиллик кўкатлар бўлиб, яйловда узок вақт вегетация даврига эга бўлсада, тўйимлилик кўрсаткичлари жихатидан унчалик юқори баҳоланмайди. Уларга хос яна бир хусусият шундан иборатки, уларнинг аксариятини вегетация давомида моллар яхши емайди ёки ейилувчанлиги анча паст. Бироқ, уларнинг вегетацияси тугагач яхши ейилабошлайди.

Шундай қилиб, қорақўлчилик худудларида дагал пояли ўсимликлардан қўй-қўзиларни қиш мавсуми давомида боқиш ва қўшимча озиклантириш учун қафолатланган озика манбаи сифатида фойдаланилади.

Бу озикавий гуруҳга киритилган ўсимлик турлари турли ботаник оилалар, ҳаётий шакллардан иборат бўлиб, чўл экологик типлари (қумли, гипсли, шўрхоқ, лёссели)нинг деярли барчасида учрайди.

Қуйида уларнинг асосий вакилларига қисқача тавсиф берилмоқда.

AELUROPUS LITORALIS (YOUN) PARL.

Маҳаллий номлари: шўражрик (ўзб.), ажрек (қозок.), чаир (туркман).


Ботаник тавсифи. Ғалладошлар оиласига мансуб кўп йиллик илдиз пояли ўсимлик, бўйи 20-60см (расм 1). Барглари ясси, икки қаторлаб жойлашган, устки қисми гадир-будир. Новдалари ва барглари юзасида, одатда туз кристаллари тўплайди, ўзидан туз ажратувчи галафитлар гуруҳига киради.

Тўпгули бошоқсимон рўвақ, бошоқчалари 5-10 гулли.

Меваси очилмайдиган бир уругли донча, овал-наштарсимон шаклли уч қиррали: оқ-қўнғир рангли пардали мева ўрами гул ва бошоқ қобиклари билан ўралган.

Уругларининг лаборатория шароитида униб чиқувчанлиги 38-52%, уларнинг унувчанлиги 8-9 йил давомида сақланади.

Экологияси. Шўр ажриқнинг энг типик тарқалиш шароитлари -шўрланган чўл майдонлари ҳисобланади: тупроқнинг шўрланишига ўта чидамли, бошқа турлар ўсмайдиган шароитда ҳам бу тур бемалол ўсаолади. Ажриқзорлар ерости сувларининг тупроқ юзасига яқин жойлашганлик белгиси сифатида ҳам хизмат қилади.



Расм 1. Шўражрик

Ажриқ ерости сувлари яқин жойлашган майдонларда юлгун билан биргаликда тарқалган.

Умуман ажриқзорлар Марказий Осиёда тоғолди текисликлари, дарёларнинг аллювиал текисликларида кенг тарқалган; унинг энг зич тарқалган экологик муҳити бўлиб шўрланган ва шўрланишга моил ерости сувдари яқин жойлашган ўтлоқ тупроқлар ҳисобланади.

Кучли шўрланган тупроқларда шўрланишга ўта чидамлиги туфайли монодоминант ўсимлик қоплами ҳосил қилади; ажриқзорлар мавжуд майдонларда қисман сарсазан ва бошқа шўрланишга мослашабилган бир йиллик шўралар пайдо бўлсада, ажриқзорларнинг ботаник таркиби жуда камбагал ҳисобланиб, 3-4 турдан ошмайди. Бирок, қисман дренажланадиган майдонларда, чунончи, ёгингарчилик сувлари ҳисобидан ювиладиган майдончаларда анча қалин ва турларга бой ажриқзорлар ҳам учраб туради.

Шўражриқ тарқалган майдонларда у билан биргаликда янтоқ, ширинмия, юлгун ва бошқа шўрланишга чидамли турлар ҳам ўсади.

Фенологияси: Мартдан июнгача майсалайди, май-июнда гуллайди, июлда уруги пишади.

Шамол ёрдамида четдан чангланувчи ўсимлик. Чангдонлари-узунчок энли шаклда. Чанг доначалари уч хужайрали, айлана-овалли.

Яйловбоплиги. Шўр ажриқни моллар қониқарли ейди. Мол боқишга ўта чидамли тур.

Озуқабоплиги. Гуллаш палласида унинг озуқавий қиймати куйидагича баҳоланади (% ҳисобида): протеин-17,4, куллар-13,2, клетчатка-18, 7, ёғ -2, 9, АЭМ- 46, 3.

100 кг қуруқ хашагида 30, 8 озуқа бирлиги ва 1,7 кг енгил ҳазм бўлувчан оксил мавжуд.

Ҳосилдорлиги гектаридан 2-4 центнер. Об- ҳаво қулай бўлган йиллари ҳосилдорлиги анча юқори бўлиб, гектаридан 10-12 центнерга етади ва дагал пичан тайёрлаш манбаи вазифасини ўтайди.

Кўпайиши: вегетатив (илдиз пояли) усулда ва уруглари воситасида кўпаяди.

COUSINIA RESINOSA JUZ.

Маҳаллий номлари: Каррак (ўзб.).

Ботаник тавсифи: мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўклам-баҳорги икки йиллик монокарпик ўсимлик. Ўсимликнинг бўйи яхши ривожланган йиллари 70-80 смга етади (расм 2).

Карракка хос ташқи белгилар: барглари йирик ва атрофлари киркилган, учлари тиконли, шунингдек тиканлар гул берувчи новдалар ва гултўпида ҳам мавжуд. Барглари остки қисми оқиш ва усти яшил рангли.

Гули қизғиш - сарик. Гултожи гулқосасидан ажралиб туради.

Ҳар йили тўпбарглари ҳосил қилиб иккинчи йил поя чиқаради, гуллайди ва ўз вегетациясини бутунлай тугатади.



Расм 2. Каррак

Ареали. Каррак кўпроқ Марказий Осиё адир майдонларида кенг тарқалган: об-ҳаво қулай келган йиллари кенг майдонларда ҳақиқий карракзорлар ҳосил қилади.

Фенологияси. Каррак одатда эрта боҳорда (апрел) майсалайди ва ёзнинг бошланишида ўз вегетациясини тугаллайди. Майсалашининг биринчи йили нуқул тўплам барглари ҳосил қилади, улар қурғокчилик бошданиши билан қуриб қолади.

2 йилга бориб барг тўпамидан ташқари уруг берувчи тиканли новдалар ҳам чиқаради ва ўсимликнинг бўйи 70-80 см га етади. Ўсимлик июнда гуллаб уруг бергач бутунлай қуриб қолади.

Яйловбоплиги. Моллар (туялар бундан мустасно) карракни яйловда деярли емайди, бироқ карракнинг чўл зонаси учун моҳияти шундаки, у асосий дагал хашак тайёрлаш манбаларидан бири ҳисобланади. Турли яйлов майдонларида йиллар ва ўсимлик биологик хусусиятларига қараб кучли даражада ўзгариб туради – яхши ривожланган карракзорларнинг пичан ҳосили гектаридан 15-20 центнергача етади.

Озуқабонлик хусусиятлари: бутонизация палласида хашаги таркибида энг кўп (13, 4 мг%) каротин миқдори мавжуд. Гуллагач ва ундан кейин каротин миқдори кескин пасаяди.

Карракни пичан тайёрлаш мақсадида бутонизациялаш палласида (май-июн ойлари) ўриш тавсия этилади.

100 кг қуруқ каррак хашаги тарибида баҳорда 48, ёзда- 32, кузда- 25 ва қишда 20 озуқа бирлиги мавжуд.

Каррак пичани махсус майдаланиб ва намланиб молларга едирилса ундан фойдаланиш самарадорлиги ва ейилувчанлиги кескин ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аслиддинов С.Д. Биологические особенности и продуктивность кормовых видов полыней подрода *Seriphidium* при интродукции в аридных районах Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание учёной степени канд. биол. наук. Душанбе, 1988, 23 с.
2. Махмудов М.М. Достижения и очередные задачи аридного кормопроизводства. //Проблемы биологии и медицины, 2 (15), 2000, с.34-37.
3. Ортикова Л.С., Махмудов М.М. Введение в культуру кормовых галофитов – как способ рационального использования засоленных земель пустыни Кызылкум Селекционного-технологические аспекты развития продуктивного верблюдоводства, каракулеводства и аридного кормопроизводства Казахстане. Материалы Международной научно-практической конференции. Шымкент, -2012, -С. 256-258.
4. Ортикова Л.С., Махмудов М.М. Қизилқумнинг шўрланган тупроқларида парваришланадиган озуқабоп галофитларнинг сув режими хусусиятлари. Чўл-яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари. Республика илмий -амалий конференция материаллари. - Самарқанд, 2012. -Б. 301.
5. Ортикова, Л. С., & Махмудов, М. М. (2018). Подбор перспективных фитомелиорантов для улучшения соляноквых пастбищ пустыни Кызылкум. *Бюллетень науки и практики*, 4(5).
6. Ortiqova, L. (2020). ФИТОМЕЛИОРАНТЫ ПАСТБИЩ КЫЗЫЛКУМ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Ортикова, Л. С., Матмуродова, Г. Б., Хамраева, Н. Т., & Расулова, Д. Ф. (2014). ФИТОМЕЛИОРАНТЫ ПЕРСПЕКТИВНОГО РЕГИОНА КАРАКУЛЕВОДСТВА ПАСТБИЩ КЫЗЫЛКУМ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. *The Way of Science*, 23.
8. Ортикова, Л. С., Махмудов, М. М., & Бекчанов, Б. (2016). Опыт улучшения пастбищ солончаковых пустынь Узбекистана. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 759-765).
9. Ортикова, Л. С., Махмудов, М. М., Халилов, Х. Р., & Бегалиева, М. И. (2016). КОРМОВЫЕ ГАЛОФИТЫ–ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ФИТОМЕЛИОРАНТЫ ДЛЯ ЗАСОЛЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ ПУСТЫНИ КЫЗЫЛКУМ. *СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ*, 2159-2172.

10. Ortiqova, L. (2020). ПОДБОР ПЕРСПЕКТИВНЫХ ФИТОМЕЛИОРАНТОВ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ СОЛЯНКОВЫХ ПАСТБИЩ ПУСТЫНИ КЫЗЫЛКУМ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Ortiqova, L. (2020). Озуқабон галофитлар–шўрланган яйловлар маҳсулдорлигини оширувчи муҳим фитомелиорант. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-6.
12. Ortiqova, L. (2020). КОРМОВЫЕ ГАЛОФИТЫ–ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ФИТОМЕЛИОРАНТЫ ДЛЯ ЗАСОЛЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ ПУСТЫНИ КЫЗЫЛКУМ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
13. Ortiqova, L. (2020). Чўл ва адирлар минтакаларида яйловларнинг ҳосилдорлигини яхшилаш усуллари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-2.
14. Ortikova, L., & Makhmudov, M. (2018). Selection of perspective phytomeliorants improvement of saltwort pastures of Kyzylkum desert. *Bulletin of Science and Practice*.
15. Ортикова, Л. С., Махмудов, М. М., & Синдаров, Ш. К. (2016). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ПУСТЫНИ КЫЗЫЛКУМ В СВЯЗИ С ФИТОМЕЛИОРАЦИЕЙ ПАСТБИЩ. In *СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ* (pp. 264-274).
16. Plant List – <URL:www.theplantlist.org>.
17. Index - www.ipni.org
18. www.gbif.org